



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш  
вазирлигининг раиси - Харид  
комиссияси раиси

Қ.Турсунов

“\_\_\_” июнь 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорининг ПҚ-4812-сон “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг давлат харид тизимини аудитдан ўтказиш учун

## **ТЕХНИК ШАРТЛАР**

**1. Такдим этилаётган хизмат номи:** 2020 йил 1 декабрдан 2021 йил якуни бўйича Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг (кейинги ўринларда вазирлик деб юритилади) йиллик харид тизимини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4812-сон қарорига асосан 4 миллиард сўмлик 254 дона шартномани аудитдан ўтказиш.

**2. Хизмат такдим этиш муддати:** 2022 йил шартнома тузилган кундан бошлаб 7 кундан кечиктирмасдан.

**3. Хизмат кўрсатиш жойи:** Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўчаси, 1 уй.

**4. Аудиторлик ташкилоти ўз фаолиятини қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширади:**

аудиторлик текширувларида холислик;

техник ва иш усулларини танлашда мустақиллик;

аудиторлик текширувларини ўтказишда олинган маълумотларнинг махфийлиги.

**5. Танловда куйидаги аудиторлик ташкилотларнинг иштирок этишига рухсат этилади:**

- барча хўжалик юритувчи субъектларда жумладан, бюджет ташкилотларда аудиторлик текширувларини ўтказиш учун лицензияга эга бўлиш;

- камида 3 йил аудиторлик фаолиятини олиб борган бўлиши;  
- аудиторлик фаолиятини амалга оширишда камида 200 миллион сўмлик касбий жавобгарликни суғурта қилиш полисига эга бўлиши;  
- халқаро стандартларга мувофиқ юридик бошқарув органларида харидлар тизимини аудиторлик текширувини ўтказиш тажрибасида эга бўлиш;

- аудиторлик ташкилотнинг ўз шартномавий мажбуриятларини тўлиқ бажармаганлиги оқибатида, буюртмачи томонидан келажақда кўриш мумкин бўлган зарарни қоплаш мажбуриятларини ўз зиммасида олган бўлиш.

**6. Молиялаштириш манбааси:** Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

**7. Аудит ўтказиладиган давр: 2021 йил.**

**8. Аудиторлик хизматининг бошланғич баҳоси 100 000 000 (юз миллион) сўм.**

**9. Хизмат натижаларини топшириш тартиби:**

2020 йил 1 декабрдан 2021 йил якуни бўйича вазирликнинг харидлар тизимини аудитдан ўтказиш бўйича ташқи аудиторлик хулосаси ва ҳисоботини тақдим этиш. Шунингдек, тақдим этилган аудиторлик хулосаси ва ҳисоботини топшириш ва қабул қилиш факти сифатида икки томонлама тузилган далолатномани имзолаш.

**Комплаенс - назорат ва ички  
аудит бўлими бош мутахассиси**

 **С.Гушин**